

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАХСУДОВА НОЗИМАХОН ДЖАПАРХОНОВНА

**КЛИНКЕРНИ СУВ ЁРДАМИДА ҲАЙДАЛГАН ИЭС
КУЛЧИҚИНДИЛАРИ БИЛАН ПАСТ ҲАРОРАТДА ҚИСҚА
МУДДАТЛИ ЛЕГИРЛАШ ВА УНИНГ АСОСИДАГИ
ПОРТЛАНДЦЕМЕНТНИНГ ХОССАЛАРИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 – Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Махсудова Нозимахон Джапархоновна

Клинкерни сув ёрдамида ҳайдалган ИЭС кулчиқиндилари билан паст ҳароратда қисқа муддатли легирлаш ва унинг асосидаги портландцементнинг хоссалари.....3

Махсудова Нозимахон Джапархоновна

Кратковременное низкотемпературное легирование клинкера золоотходами гидроудаления ТЭС и свойства портландцемента на его основе.....21

Makhsudova Nozimakhon Japarkhonovna

Short-term low-temperature alloying of clinker with ash waste of hydraulic removal of TPP and properties of portlandcement based on it.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАХСУДОВА НОЗИМАХОН ДЖАПАРХООНОВА

**КЛИНКЕРНИ СУВ ЁРДАМИДА ҲАЙДАЛГАН ИЭС
КУЛЧИҚИНДИЛАРИ БИЛАН ПАСТ ҲАРОРАТДА ҚИСҚА
МУДДАТЛИ ЛЕГИРЛАШ ВА УНИНГ АСОСИДАГИ
ПОРТЛАНДЦЕМЕНТНИНГ ХОССАЛАРИ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Т4838 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси иши ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ioyx.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Мастура

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Намазов Шафоат Саттарович

техника фанлари доктори, проф., академик

Юнусова Фарида Раҳмонбердиевна

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат кончилиқ ва технологиялар университети

Диссертация иши ҳимояси ЎР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02./05.05.2023.К/Т.35.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг «25» апрель 2025 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ioyx@academy.uz).

Диссертация иши билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 67 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2025 йил «10» апрель куни тарқатилди.
(2025 йил «10» апрелдаги № 67 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х.Усанбаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж.С. Шукуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Ш.С. Намазов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, т.ф.д., проф., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда цемент саноатининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ошиб боришини инобатга олган ҳолда, цемент ишлаб чиқаришда минерал ресурсларнинг янги конларини ва турли техноген чиқиндиларни жалб этиш орқали маҳаллий хом ашё базасини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, цемент ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш ва иссиқхона газлари чиқишини камайтириш учун клинкерни куйдиришда пастуглеродли хом ашё аралашмаларидан янги цемент таркиблари олинмоқда. Клинкерсиз композит боғловчиларни олишда инновацион технологияларни ўзлаштириш ҳисобига цементдаги клинкернинг маълум бир қисмини қўшимчалар ва шу каби технологик ва иқтисодий жиҳатдан мос бўлган таркиблар билан алмаштириш, улардан кўп миқдорда қўшилганда цементни физик-механик хоссаларига салбий таъсир кўрсатмайдиган ва цемент саноатига янги технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда саноат техноген чиқиндиларини қўллаб, цементдаги клинкер ҳажмини камайтириш ва шу билан бирга ресуртежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, юқори сифатли цемент ишлаб чиқаришда портландцемент клинкерини термофаоллаштирилган қўшимчалар ва уларнинг ҳосилалари билан табиий ва техноген чиқиндилар билан модификациялаб қўшимчали цемент олишда «яшил» технологияни ишлаб чиқиш; портландцемент клинкер ҳароратининг кул тошқол чиқиндилари (КТЧ)ни гидравлик ва пуццолан фаоллигига таъсирини тадқиқ этиш; клинкердаги КТЧ «қўндирма-қўшимча» миқдорини ва фаоллаштириш ҳароратини унинг асосидаги портландцементнинг физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада цемент саноатида фаол минерал қўшимчалар сифатида иккиламчи хом ашё материаллари (ишлаб чиқариш техноген чиқиндилари) ресурсларини бойитиш, янги таркибли цементларга қўлланиши ва уларнинг технологик хоссаларини ўрганиш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...»¹ йўналиши бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, клинкерни сув ёрдамида ҳайдалган иссиқлик электр станцияси (ИЭС) кулчиқиндилари билан қисқа муддатли паст ҳароратда легирлаш ва унинг асосидаги портландцемент олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2019 йил 20-февралдаги ПҚ 4198-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

«Курилиш материаллари саноатини тубдан яхшилаш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019-йил 23-майдаги ПҚ 4335-сон «Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари VII - «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар»га мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилган даражаси. Клинкердаги алюминий-кальцийли силикат минераллари етишмовчилигини қоплашга қодир бўлган минерал қўшимчаларни қўллаб модификацияланган портландцементларни ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар М.М.Сычев, В.В.Тимашев, Т.В.Кузнецова, М.Я.Бикбау, М.И.Кузьменков, А.К.Сотиболдиев, С.В.Самченко, Е.В.Мануйлов, Е.Ю.Малова, А.М.Маноха, S.Joseph, S.Bishnoi, K.Van Balen, X.Y.Wang, Y.Luan, В.В.Бабков, А.И.Габитов, Р.Р.Сахибгареев, Е.Ю.Ермилова, Р.З.Рахимов, А.К.Khalyushev, Р.С.Федюк, Е.М.Макаров, J.A.Larbi, J.M.Bijen, L.R.Roberts, W.R.Grace, Я.Г.Матвеева, С.С.Каприелов, М.Е.Воронков ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш саноатида турли хил табиий ва техноген фаол минерал қўшимчаларни қўллаш борасида илмий тадқиқотлар И.С.Канцепольский, М.Г.Фуломов, Т.А.Отақўзиев, З.П.Пўлатов, М.И.Искандарова, Ф.Б.Атабаев, А.М.Искендеров, Х.Л.Усманов, Г.Б.Бегжанова, З.А.Мухамедбаева ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ва илмий ишларида ўз аксини топган.

Аммо, янги таркибли қўшимчали цементлар олишда муайян натижаларга эришилган бўлсада, портландцементни физик-механик ва қурилиш-техник хоссаларига зарар бермасдан, цемент ишлаб чиқаришда технологик муаммоларни ижобий ҳал этишни ва республикада экологик вазиятни яхшиланишини таъминлашда яроқли фаол минерал қўшимчаларни қўллаш ва Янги-Ангрен ИЭС сув ёрдамида ҳайдалган култошқол чиқиндиларини гидравлик фаоллигини ошириш борасида комплекс тадқиқотлар олиб бориш бўйича муайян илмий ва амалий асосланган маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг, диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Маҳаллий табиий ва иккиламчи хом ашё ресурсларидан комплекс фойдаланиб замонавий қурилиш материалларининг энергия- ва ресурстежамкор технологияларини илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш» мавзусидаги (2020-2022 йй.) бюджет лойиҳаси дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Клинкерни сув ёрдамида ҳайдалган ИЭС кулчиқиндилари билан қисқа муддатли паст ҳароратда легирлаш ва унинг асосида портландцемент олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сув билан ҳайдалган култошқол чиқинди (СХКТЧ)ларининг кимёвий-минералогик таркиби, физик-кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш;

портландцемент клинкерини ҳароратининг КТЧни гидравлик ва пуццолан фаоллигига таъсирини тадқиқ этиш;

клинкердаги КТЧ «қўндирма-қўшимча» миқдорини ва фаоллаштириш ҳароратини унинг асосидаги портландцементнинг физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш;

КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги оптимал таркибдаги портландцемент қотаётгандаги гидратланиш тезлигини, янги ҳосилаларнинг таркибини ва тош микроструктураси шаклланишини тадқиқ этиш;

термик фаоллаштирилган КТЧни қўллаб портландцементлар олиш технологиясини ва уларни ишлаб чиқаришни тамоил технологик схемасини ишлаб чиқиш;

КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги портландцементидан олинган бетоннинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги портландцементнинг йириклаштирилган тажриба тўпини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш;

клинкерни КТЧ қўшимчаси билан паст ҳароратда легирлаш усулини ва унинг асосида ПЦ 400-Д20 маркали портландцемент олиш технологиясини экологик - иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Бекободцемент» АЖ портландцемент клинкерлари, сув ёрдамида ҳайдалган Янги-Ангрен ИЭС култошқол чиқиндилари, КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкерлар ва улар асосидаги тажриба намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети термик фаоллаштириш ҳароратини сув ёрдамида ҳайдалган КТЧни гидравлик ва пуццолан фаоллигига таъсирини, КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги портландцементнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш ҳамда қўшимчали цементларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий таҳлилнинг физик-кимёвий усуллари (рентгенфазавий, дифференциал термик, ИК-спектроскопик, оптик бинокуляр микроскопик, электрон микроскопик) ва портландцемент олиш технологиясининг анаъанавий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

техноген чиқинди – ИЭС «хўл» култошқол (КТЧ)ни кимёвий-минералогик таркиби, структура тузилиши, гидравлик ва пуццолан фаоллиги аниқланиб, уни цементга фаол ноорганик қўшимча сифатида қўллаш имконияти пастлиги исботланган;

КТЧнинг гидравлик (Стьюдент t-мезони бўйича) ва оҳак ютиши бўйича пуццолан фаоллигини ошириш учун 400°C паст ҳароратда

термофаоллаштирилиб, уни 20 % миқдорда цементга фаол минерал қўшимча сифатида қўллаш имконияти асосланган;

клинкерни иссиқ оқимида КТЧ билан паст ҳароратда легирлаш ва «қўндирма-қўшимча»ли клинкер ҳосил қилишнинг самарадорлиги илмий исботланган;

«қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги портландцементнинг оптимал таркиби олинган бўлиб, КТЧни миқдори ва цемент тошининг физик-механик хоссалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

«хўл» култошқол таркибидаги кварц, кальцит, дала шпати, гематит, белит ($2\text{CaO}\cdot\text{SiO}_2$) ва целит ($3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3$) минералларининг цемент тоши структурасини ҳосил бўлишига ва мустаҳкамлигига таъсири «таркиб-структура-хосса» корреляцион қонуниятларига боғлиқлиги аниқланган;

«қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги цементни қотиш жараёнида гидратланишини, гидратли маҳсулотлар синтези ва композит микротузилишининг шаклланишини, унинг фаоллигини соф клинкерли портландцемент даражасида таъминлашни мақсадли тарзда бошқариш имконияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

сув билан ҳайдалган кулчиқиндиларнинг гидравлик ва пуццолан фаоллиги, термофаоллаштириш ҳароратига қараб уларнинг қийматларининг ўзгариши аниқланган, сув билан ҳайдалган култошқол чиқиндиларини клинкернинг иссиқ қатламида фаол КТЧли «қўндирма-қўшимча» ҳосил қилиб, термофаоллаштириш технологияси ишлаб чиқилган;

амалий асосланган технологик ечимлар яратилган ва термофаоллаштирилган КТЧ «қўндирма-қўшимчали» клинкер асосида кам углеродли цементлар олиш имконияти амалий исботланган;

клинкерни паст ҳароратда КТЧ «қўндирма-қўшимча» билан легирлаш усули таклиф этилган ва унинг асосида ЦЕМ 32,5 синфига мансуб портландцементлар олишнинг «яшил» технологияси ва сув билан ҳайдалган КТЧни термофаоллаштириш технологик схемасининг 3 та варианты ишлаб чиқилган;

термофаол КТЧни қўллаб, 20% гача юқори углеродли клинкерни тежаш, пастуглеродли портландцемент олиш, цемент композитини қурилиш-техник хоссаларини яхшиланиши, таннархни арзонланиши ва атмосферага карбонат ангидридни кам чиқишини таъминлаш имконияти исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил ва цемент ишлаб чиқаришнинг анъанавий тадқиқот усуллари натижалари давлатлараро ва Ўзбекистон миллий стандартлари талабларига мос, мувофиқлик сертификатиغا эга ускуналарда, ҳамда янги таркиблар асосида олинган цемент намуналари ишлаб чиқариш шароитида тажриба саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув билан ҳайдалган КТЧнинг кимёвий-минералогик таркиби ва технологик хоссаларини, ишлов бериш ҳароратини уларнинг гидравлик ва пуццолан фаоллигига таъсири, КТЧнинг

оптимал миқдорини, уларни цементнинг гидратланиш тезлигига, гидратли фазаларининг таркиби, цемент композициясининг микротузилиши шаклланиши ва мустаҳкамлигига таъсирини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти КТЧни кенг миқёсда қайта ишлаш имкониятидан, портландцемент клинкерини паст ҳароратда легирлаш йўли билан фаоллаштириш усулидан фойдаланиб, термофаол КТЧли «қўндирма-қўшимчали» клинкерлар асосида «яшил» портландцемент олиш технологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, юқори углеродли ва юқори ҳароратли клинкерни 20% гача тежаш, таннархни арзонлаштириш, цементнинг эксплуатация хоссаларини яхшилаш ва иссиқхона газлари чиқишини камайтириш «тоза» иқлимни таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Термофаоллашган КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер ва унинг асосида кам клинкерли портландцементлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

клинкерни 20% сув ёрдамида ҳайдалган ИЭС култошқол чиқинди қўшиш йўли билан паст ҳароратда легирлаш асосида «қўндирма-қўшимча» хосил қилиш ва ундан модификацияланган портландцемент олиш усули «Охангаронцемент» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2024 йил 24 октябрдаги № 04/15-3146 сон маълумотномаси). Натижада, қўшимчали цемент ишлаб чиқаришда КТЧдан кенг миқёсда фойдаланиш ва юқори ҳароратли қимматбаҳо клинкерни 20% гача тежаш имконини берган.

сув ёрдамида ҳайдалган ИЭС култошқол чиқиндиларини фаоллигини ошириш орқали кам углеродли янги турдаги қўшимчали портландцементлар олиш технологияси «Бекободцемент» АЖда амалиётга жорий этилган. («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2024 йил 24 октябрдаги № 04/15-3146 сон маълумотномаси). Натижада, ГОСТ 31108-2020 нинг минерал қўшимчали портландцементларга қўйган талабларига мос келган сиқилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичи бўйича цемент ЦЕМ 32,5 синфига мувофиқ келадиган портландцементлар олишни ташкиллаштириш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, 9 мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси (PhD) диссертацияси илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 5 та республика ва 4 та хорижий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ёритилган, тадқиқот объектлари ва предметининг тавсифлари келтирилган, тадқиқотнинг республика фан ва техникаларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён этилган, уларни цемент ишлаб чиқаришга жорий этилиш ҳолати, чоп этилган ишлар тўғрисидаги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қурилиш материаллари саноатида ИЭС кулчиқиндиларини қайта ишлаш самарадорлиги**» биринчи бобида қаттиқ ёқилги, асосан – кўмир ёқилиши натижасида ҳосил бўладиган иссиқлик ИЭС култошқоллари чиқиндиларнинг (КТЧ) таркиби ва хоссаларини ўрганишга, чиқиндиларни турли фойдали маҳсулотлар, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўли билан моддий айланмага қайтариш орқали чиқиндихоналарни хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига бағишланган илмий-техник адабиётлар ва патент манбалари маълумотларининг таҳлили келтирилган. Қимматбаҳо клинкерни тежаш учун унинг маълум қисмини КТЧ билан алмаштириш орқали уни цементда фаол минерал кўшимча сифатида қўллашнинг технологик ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги назарий асосланган, бу эса гидратланиш жараёнини мақсадли равишда бошқариш ва физикавий ва механик хоссалари юқори бўлган оптимал структурага тузилиши эга композитни синтез қилиш имконини беради.

КТЧ тутган ПЦни гидратланиш жараёнини ўзига хослигини таҳлил этиш асосида, иссиқ билан ишлов бериш орқали уни гидравлик фаолликни ошириш ёки уларни гидравлик ва пуццолан фаоллиги юқори бўлган бошқа минерал кўшимчалар билан биргаликда ишлатиш зарурлиги тўғрисида муҳим хулоса чиқарилган. Таъкидланганки, термик фаоллаштирилган алюмосиликат кўшимчалар, шу жумладан КТЧ, етарли даражада пуццолан фаоллик намойиш этадилар ва суyoқ фазадан Са(ОН)₂ни аста-секин ютиб, ПЦнинг гидратланиш жараёнини бир текис кечишига ва гидратли маҳсулотларининг босқичма-босқич кристалланиши, цемент композитини макрофоваклари сонини камайиши, гидратланган структурани зичланишига ва унинг гидравлик фаоллиги соф клинкерли ПЦ-Д0 цемент даражасида юқори бўлишига ёрдам беради. Ангрэн ва Янги-Ангрэн ИЭСнинг 104 гектар майдонда жойлашган иккита чиқиндихонасида сув билан ҳайдалган катта ҳажмдаги чиқиндилар тўпланган бўлиб, улардан атиги 5-10% қайта ишлашга олиниши қайд этилган. Шу билан бирга, сув ёрдамида ҳайдалган КТЧни қайта ишлаш муаммосини ҳал этишга оқилона ёндашилса, улар цемент саноати учун фаол минерал кўшимча сифатида қимматли хом ашё манбаи бўлиши мумкин. Ушбу нуқта-назарлардан келиб чиқиб, диссертация тадқиқотининг мақсади аниқланган – клинкерни КТЧ билан паст ҳароратда легирлаб гидравлик фаоллигини ошириб «қўндирма-кўшимча»ни ҳосил қилиш усулини ва уни асосида модификацияланган цемент ишлаб олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

«Тадқиқот объектлари ва тажриба ишларини бажариш усуллари» иккинчи бобда «Бекободцемент» АЖ ПЦ клинкери, Бухоро кони гипс тоши ва Янги-Ангрен чиқиндихоналаридан «хўл» усулда ҳайдалган култошқол чиқиндилардан олинган намуналарнинг кимёвий-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш натижалари берилган (1 жадвал).

1-Жадвал

Компонентларнинг кимёвий таркиби

№	Компонентни номланиши	Оксидларнинг масса улушидаги миқдори, 100 %								
		к.к.й.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	CaO	Fe ₂ O ₃	SO ₃	MgO	R ₂ O	Бош-қалар
1	Порландцемент клинкери	0,52	22,49	4,55	65,64	4,34	0,60	1,46	0,04	0,36
		Модуль кўрасаткичлар: КН=0,90; n=2,53; p=1,05 Минераллар таркиби, масс. %: C ₃ S=59,82; C ₂ S=19,34; C ₃ A=4,70; C ₄ AF=13,19								
2	СХҚТЧ	8,41	55,06	18,05	7,42	6,89	1,00	0,97	2,20	-
3	Бухоро кони гипс тоши	25,41	0,57	0,82	30,22	0,20	40,76	1,78	0,24	-

Янги-Ангрен ИЭС чиқиндихонасидан олинган дастлабки ҚТЧ намунасининг намлиги 79,4-84,3% оралиқда ўзгариб туради, ранги тўқ кулранг, хона ҳароратида қуритилгандан сўнг ҚТЧни ранги оч кул рангга айланади ва бу шимилган сувнинг йўқолиши билан билан боғлиқ. ҚТЧни тузилиши йирик ўлчамли тошқол ва майин заррачалардан иборат бўлиб, улар қорадан, оч кулранг, жигарранг, қаймоқ ва оқ ранггача эга (1-расм).



1-Расм. Янги-Ангрен сув ёрдамида ҳайдалган ҚТЧсини ўртача намунаси: а – дастлабки; б – хона ҳароратида қуритилган; в – структурасини тузилиши х 500

Оқ ва қаймоқ рангли доналар ҚТЧнинг таркибида карбонат-магнийли аралашмалар, қўнғирранглари – темир таркибли бирикмалар, қораси - марганец бирикмалари ва бошқа қорамтир ранг берувчи минераллар мавжудлигини кўрсатади. Дифрактограмма унинг таркибида кварц (SiO₂) d/n=(0,334; 0,425; 0,228; 0,223; 0,212; 0,198; 0,181; 0,167) nm, кальцит (CaCO₃) d/n=(0,228, 0,212, 0,167) nm, дала шпати - анортит (CaO·Al₂O₃·2SiO₂) d/n=(0,425) nm; уч кальцийли алюминат (C₃A) d/n=(0,245; 0,228, 0,223) nm; гематит (Fe₂O₃) d/n=(0,245; 0,223; 0,181) nm; икки кальцийли силикат (C₂S) d/n=(0,425) nm, кальций моноалюминати ва алюмосиликати аксланишлари мавжудлигини аниқлади. Ҳисобланган маълумотларга кўра, Янги-Ангрен ИЭС ҚТЧларининг асослик модули 0,11ни ташкил этди, бу 1,0 дан кам. Демак, улар


КТЧнинг нордон турига мансуб бўлиб, цементга қўшимча сифатида ишлатилганда кимёвий ўзаро таъсир реакциялари кислота-асосий механизми бўйича кечишини, бу эса клинкернинг калцийли силикатларини гидролизланиши натижасида суюқ фаза ажралиб чиқаётган $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни жадал равишда ютишини таъминлайди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида Янги-Ангрен ИЭСни сув билан ҳайдалган КТЧлари О'з DSt 2912:2014 «Портландцемент клинкери ва портландцемент ишлаб чиқариш учун култошқол аралашмалари. Техник шартлар» талабларига жавоб беради, деган хулосага чиқарилди. Бироқ, ҳозирги вақтда кулчиқиндини сув билан ҳайдаш технологиясидан қўлланганда, унинг таркибида 7%дан ортиқ кўмир қолдиқлари мавжудлиги сабабли, уларни цементда фаол минерал қўшимча сифатида 10% дан кўпроқ ишлатишни имкони йўқ, бу эса шимилган сувни бартараф этиш учун КТЧга

Ушбу бобда, шунингдек, тажриба тадқиқотларни ўтказиш усуллари ҳақида маълумот келтирилган, қурилмалар, асбоблар ва аппаратларнинг рўйхати ва турлари берилган.

Учинчи «Клинкерни сув билан ҳайдалган КТЧ билан паст ҳароратда легирлаш усулини ва уни асосида паст углеродли портландцементлар технологиясини ишлаб чиқиш» бобда КТЧни термик фаоллаштириш ҳароратини оптималлаштириш, клинкерни КТЧ билан қисқа муддатли паст ҳароратда легирлаш, фаоллаштирилган КТЧ «кўндирма-қўшимчали» клинкер ва уни асосида портландцемент олиш натижалари келтирилган.


Термик фаоллаштириш ҳароратини КТЧни гидравлик фаоллиги ўзгаришига таъсирини ўрганиш учун ҳам ҳавода қурилган ва ҳам (400-1000)°C ҳарорат оралиғида термик фаоллаштирилган КТЧларни Стюдент мезони қийматлари аниқланди. Параллел равишда «Бекободцемент» АЖ лабораториясида ҳам шундай қиёсий синовлар олиб борилди. Аниқланишича, «Стром» ИЛваСМда олинган натижаларга кўра ҳавода қурилган КТЧларни Стюдент мезонини ўртача қиймати $t=25,50$ га, «Бекободцемент» АЖда эса $t=27,30$ ни ташкил этган. Сув билан ҳайдалган «ҳўл» КТЧнинг гидравлик фаоллигини ошириш учун унга (400-1000)°C ҳарорат оралиғида, муфел печида ҳар бир ҳароратда 30 дақиқа давомида термик ишлов берилди. Натижалар шуни кўрсатдики, термик ишлов ҳароратини 600, 800 ва 1000°C гача кўтарилиши КТЧни гидравлик фаоллигини t -мезони қийматларини аста-секин 29,8; 18,5 ва 14,2 гача пасайишига олиб келди (2-расм).



2-Расм. КТЧнинг гидравлик фаоллигини термик ишлов бериш ҳароратига боғлиқлиги

Стъудент мезони бўйича ($t=40,61 \geq 15$) КТЧнинг юқори гидравлик фаоллигига 400°C ҳароратда эришилди. Бу қиймат дастлабки КТЧникидан 60% юқори бўлиб, ГОСТ 31108-2020 чегаралаган $t=15$ қийматдан сезиларли даражада ошди. Шу муносабат билан, КТЧни гидравлик фаоллигини энг юқори даражада оширадиган оптимал ҳарорат 400°C ни ташкил этди.

Таркибида 400°C да термик фаоллаштирилган КТЧ тутган цемент билан тўқнашувла бўлган суюқ фазада 30 кун давомида 15 марта титрланган СаОни концентрацияси 3,48 mmol/l ни ташкил этди, бу ПЦ-Д0 намуналари сақланган суюқликдаги концентрациядан 1,34 mmol/l га кўп. Бундан чиқарилган хулоса шу бўлдики, 400°C да термик фаоллаштирилган КТЧли цемент қотаётганда, кўшимчани ўзи ҳам оҳак ажратиб чиқаради. Шу билан биргаликда, суюқ фазада параллел равишда уни КТЧдаги алюмосиликатлар билан ўзлаштириб, эритманинг умумий ишқорийлигини пасайишига олиб келди. КТЧга термик ишлов бериш ҳароратини ошиши билан уни ютиш қобилияти аста-секин пасаяди, бу термофаоллаштирилган КТЧнинг ўзи ҳам оҳак чиқаради деган фикрни тасдиқлайди, бу унинг суюқ фазада $T=1000^{\circ}\text{C}$ да термик ишлов берилган КТЧли цемент сақланган суюқликни ишқорийлик концентрацияси, ПЦ-Д0 намуналари сақланган суюқлик фазасидагидан 74%га юқорилиги (2,58 mmol/l) билан тасдиқланади. Бироқ, суюқ фазанинг умумий ишқорийлигини аниқлашда тескари манзара кузатилди: КТЧнинг термик фаоллаштириш ҳароратини ошиши билан эритманинг умумий ишқорийлиги пасайди, бу юқори ҳароратда термофаоллаштирилган КТЧ иштирокида СаОни гидратли бирикмаларга кўпроқ боғланишидан далолат беради (3-расм).



3-Расм. КТЧни пуццолан фаоллиги:

А - 40° да оҳакнинг эрувчанлик изотермаси; **В** – эритмани, оҳакдан ташқари, барча компонентларни улушига мувофиқ келадиган ишқорийлиги.

СаОнинг суюқ фазадаги таркиби:

- 1) ПЦ-Д0;
- 2) ПЦ-КТЧ-20 (400°C);
- 3) ПЦ-КТЧ-20 (600°C);
- 4) ПЦ-КТЧ-20 (800°C);
- 5) ПЦ-КТЧ-20 (1000°C)

3-расмдаги 1, 2, 3, 4, 5 нуқталарининг жойлашишига кўра, КТЧни ($400-1000^{\circ}\text{C}$) ҳароратларда ишлов берилган барча намуналари цементларни гидратланиши ва қотиши пайтида ажралиб чиқадиган СаОни ўзлаштириш қобилиятига эга.

Легирланган клинкер асосидаги портландцементларга КТЧнинг термик ишлов бериш ҳарорати ва миқдорини уларнинг физик-механик хоссаларига

таъсирини аниқлаш, ўлчамлари 2x2x2 см, 1:0 таркибли кичик куб намуналарда олиб борилди. Бир сутка нам ҳавода, кейин сувда қотган намуналар 3, 7 и 28 суткадан кейин синовдан ўтказилди. Легирланган клинкерлар асосидаги цементларнинг компонент таркиблари ва гидравлик фаоллиги 2-жадвалда келтирилган.

2-Жадвал

КТЧни термик фаоллаштириш ҳароратини ва дозасини портландцементни физик-механик хоссаларига таъсири

Клинкер № ва термик ишлов бериш ҳарорати t (°C)	*Хомашёлар масса улуши, %			С/Ц	(сут.) кейин сиқилишдаги мустаҳкамлик даражаси, кг/см ² ,			
	Кл.	КТЧ	Гт		1	3	7	28
№ 1. Клинкер (Эталон)	95	-	5	0,25	137	397	520	663
№ 2. Даствлабки КТЧли клинкер	75	20	5	0,27	120	325	408	554
	65	30	5	0,28	91,8	261	387	446
	55	40	5	0,30	72,5	220	231	408
№ 3. КТЧли клинкер - 400°C	75	20	5	0,28	125	380	450	625
	65	30	5	0,30	102	352	425	604
	55	40	5	0,30	76,0	240	262	417
№ 4. КТЧли клинкер - 600°C	75	20	5	0,30	110	258	380	533
	65	30	5	0,30	96,8	218	268	420
	55	40	5	0,33	72,9	193	207	378
№ 5. КТЧли клинкер - 800°C	75	20	5	0,28	98,5	208	350	512
	65	30	5	0,30	87,6	175	220	407
	55	40	5	0,33	75,0	112	201	373

*Эслатма: Кл – клинкер; КТЧ – култошқол чиқиндиси; Гк – гипс тоши

2-жадвалга маълумотларига кўра, ҳавода қуритилган даствлабки КТЧ намунасининг миқдори 20 дан 40% гача оширилиши, ПЦ-Д0 цементни 28-сутка қотгандан кейинги гидравлик даствлабки гидравлик фаоллигини (663 кг/см²) аста-секин камайишига олиб келди ва тегишлича (554, 446, 408) кг/см² ни ташкил қилади. Клинкер қатламида 400°C ҳароратда 20% миқдорда термофаоллаштирилган КТЧли цемент 28-сутка давомида қотганда даствлабки муддатларда у ПЦ-Д0 га қараганда оз пастроқ мустаҳкамликка эга бўлди, аммо кейинчалик 3-суткага келиб унинг кўрсаткичлари матрицаникидан бироз юқорироқ бўлди ва 28-сут.да ПЦ-Д0ни мустаҳкамлик даражасига етиб, 625 кг/см²ни ташкил қилди. КТЧ «кўндирма-қўшимча» миқдори 30% бўлган намуналарнинг мустаҳкамлиги 28-суткада бироз пасайди (604 кг/см²) ва бу ПЦ-Д0никидан 59 кг/см²га паст бўлди.

КТЧ клинкерининг портландцементдаги миқдорини ва легирлаш ҳароратини 600°Cдан 800°Cгача кўтарилиши билан цементларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари аста-секин ва кескин пасайди. Тадқиқот

натижаларидан муҳим хулоса келиб чиқадики, клинкерни легирлашда энг фаол КТЧни олиш учун 400°Сдан юқори бўлмаган ҳароратни қўллаш мақсадга мувофиқ ва унинг клинкерга қўшилиши 20% дан ошмаслиги керак. Ушбу ҳароратда термофаоллаштирилган КТЧни минерал таркиби дастлабки КТЧникидан бир оз фарқ қилади, чунки унинг диффрактограммадаги минералларини аксланиш чўққиларини юқори қийматлар томон силжиши калцит, авигит, оливин, темирли шпинел ва бошқалар билан боғлиқ геленит $2\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{SiO}_2$ га ҳосил бўлганлиги, яна $d/n=0,323$ ва $0,303$ nm да кичик иккита чўққи пайдо бўлиши, CaCO_3 чизиғининг мавжудлиги, КТЧни таркибида оз миқдорда мавжуд бўлган калций оксидни ҳаводан CO_2 ни ютиши билан боғлиқ. 20% КТЧли «қўндирма-қўшимча» билан легирланган клинкердан олинган цементнинг физик-механик кўрсаткичлари ГОСТ 30744-2021 бўйича 1:3 таркибидаги 4x4x16 см ўлчамдаги стандарт призма-намуналарда аниқланди. Синов натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-Жадвал

Клинкерни КТЧ билан паст ҳароратда легирлашдан олинган портландцементнинг физик-механик хусусиятлари

№	Цемент	№ 008 элакдаги колдик микдори, %	С/Ц	Тишлаш муддатлари, d-min		(сут.) кейин сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа:			Маркаси/ мустаҳкамлик бўйича синфи
				бош и	охири	3	7	28	
1	ПЦ-Д0	10	0,30	2-23	4-15	33,94	38,24	42,02	400/32,5
2	ПЦ-Д20	9,3	0,27	3-05	4-20	30,32	36,34	38,47	400/32,5


Келтирилган маълумотларга кўра, 20% миқдорида КТЧли «қўндирма-қўшимча»ли клинкерни 400°Сда қисқа муддатли паст ҳароратда легирлаш гидравлик фаоллиги бўйича ГОСТ 10178 «400» маркага мувофиқ келадиган ва ГОСТ 31108 бўйича мустаҳкамлиги ЦЕМ 32,5 синфга мансуб цементни ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Энергия ва технологик самарадорликни ва клинкерни иссиқлигидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, КТЧни колосникли музлатгичнинг клинкерни ҳарорати тахминан 400°Сгача бўлган «совук» бўлимига етказиб бериш тавсия этилди. Ушбу бўлимда КТЧ қайноқ клинкер оқими билан аралашади, унинг сирт ғовақларига жойлашади, сувсизланиб «қўндирма-қўшимча» ҳосил қилади ва клинкер омборига юборилади, совутилгандан сўнг у ердан цемент тегирмонининг бункерига юборилади.

Келиб чиқиши бўйича органик ёки ноорганик турдаги ҳар қандай қўшимчаларнинг киритилиши цементнинг сувга бўлган талабига ва унинг гидратланиш жараёнининг тезлигига сезиларли таъсир қилади, структураси шаклланиш механизмини ва сунъий конгломератни мустаҳкамли йиғишини ўзгартиради, бу эса ҳар бир у ёки бу турдаги қўшимчаларни қўллаш ҳолати учун батафсил тадқиқотлар ўтказишни тақозо қилади.

Цементни гидратланиш тезлиги одатда боғланган сув миқдори ва қотаётган цемент дисперсиясининг фазавий таркиби ўзгариши билан аниқланади. 20% КТЧ «кўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги тажриба ўтказилаётган цементни сувни гидрат бирикмаларига ПЦ-Д0га қараганда дастлабки босқичларда тезроқ боғланиши ва бу қонуният 28-суткагача сақланиб қолиши аниқланган.

Демак, цемент таркибидаги клинкер улуши 20% га камайганига қарамай, портландцементининг гидратланиш тезлиги пасаймаган ва қотиш жараёнида суюқ фазага ажралиб чиққан $\text{Ca}(\text{OH})_2$ гидратли маҳсулотларга жадал боғланади, бу рентген фазавий таҳлилга кўра, чизиқларининг акс этиши $d/n=(0,977; 0,539; 0,387; 0,367; 0,220; 0,169)$ nm да ифодаланган уч сульфатли калций гидросульфоалюминати $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot3\text{CaSO}_4\cdot31\text{H}_2\text{O}$ - эттрингит ҳосил бўлиши билан боғлиқ эканлиги тасдиқланган. Шунингдек, $d/n=(0,706; 0,469; 0,391; 0,246; 0,169; 0,161)$ nm моносульфат $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{CaSO}_4\cdot12\text{H}_2\text{O}$ - пастсульфатли калций гидросульфоалюминатини, тоберморитсимон кальцийнинг гидросиликатлари: $5\text{CaO}\cdot6\text{SiO}_2\cdot5\text{H}_2\text{O}$ $d/n=(0,539; 0,179)$ nm ва трускотит $6\text{CaO}\cdot10\text{SiO}_2\cdot3\text{H}_2\text{O}$ $d/n=(0,387; 0,26; 0,176; 0,154)$ nm ҳосил бўлади. «Цемент-сув» тизимидаги устун бўладиган гидрат маҳсулотлари $\text{Ca}(\text{OH})_2$ портландит $d/n=(0,263; 0,193; 0,493; 0,311; 0,179; 0,169)$ nm ва CaCO_3 кальцит $d/n=(0,304; 0,246; 0,229; 0,193; 0,182)$ nm лардан иборат (4-расм).




4-Расм. 20% КТЧ «кўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги портландцементнинг (1) 1 ва (2) 28-сутка давомида қотгандаги дифрактограммаси

Дифференциал-термик таҳлил ва ИҚ спектроскопия маълумотлари рентгенфазавий таҳлил маълумотларига мувофиқ келди ва юқорида айтиб ўтилган янги гидратли ҳосилаларининг шаклланишини кўрсатади.


КТЧли ПЦ 400-Д20ни 1 сут. нам муҳитда ва 3, 7, 28 сут. сувда қотганида гидратли маҳсулотларни юзага келиши ва генетик ривожланиши жараёни электрон микроскопда тадқиқ этилганда, 1 сут. давомида тажрибадаги цементни сув билан ўзаро жадал таъсирлашиши, унинг гидратланиш даражаси юқорилиги аниқланди.

Намуналарнинг синдирилган юзасида ғоваклар сони кўп бўлиб, зарралар турли хил шаклларга эга бўлиб, юза силлиқ эмас, ғадир-будир. Чарралар бўккансимон, уларни юзасини субмикросталл ҳосилалардан иборат юпқа парда қоплаб олган. Сув сизиб кирган ғовакларда, заррачалар жадал гидратланиб, ўсиб чиқаётган ва турли тарафга йўналаётган кристаллар ғовак бўшлиқларини тўлдирди бошлайди (расм 5а).

Учинчи суткада ҳосил бўлаётган кристалл ҳосилаларни ўлчамлари катталаниб ҳамда шаклланаётган композитни ғовакларида бетартиб жойлашиб, тўрсимон тузилма ҳосил қилиб, бир-бири билан сингиша ва ғовакларни бўшлиқларини тўлдирди бошлайди (расм 5б).




а




б

5-Расм. Тажрибадаги цементнинг нормал шароитда 1 (а) ва 3 (б) суткада қотган синган юзасининг рельефи (x 20 000)

Сувни кристалл тўрлар оралиғидан ўтиб ички қатламларга кириб бориши билан, кристалл гидратларнинг янги миқдорларининг пайдо бўлиши давом этиши сабабли гидратланиш жараёни янада чуқурлашади, уларнинг бир бирида сингиши ва қатламланиши натижасида кальций гидросульфоалюминатлари ва гидросиликатларининг кристалл агрегатлари ҳосил бўлади (ба-расм).



а



б

6-Расм. Экспериментал цементнинг нормал шароитда 7 (а) ва 28 (б) суткада қотган синган юзасининг рельефи (x 20 000)

Натижада 7-суткага келиб, цемент композити агрегат-блок тузилишга эга бўла бошлайди. 28-суткага келиб цемент композити эттрингит ($3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot3\text{CaSO}_4\cdot3\text{H}_2\text{O}$)ни чўзиқ призмасимон ва нинасимон кристалларидан, тоберморит ($5\text{CaO}\cdot6\text{SiO}_2\cdot5\text{H}_2\text{O}$ -0,93nm)ни октаэдрик пластинкаларидан, уларни орасида жойлашганлиги қайд этилган уч кальцийли силикат C_3S ($6\text{CaO}\cdot2\text{SiO}_2\cdot3\text{H}_2\text{O}$)ни тўқима шаклидаги нинасимон кристалларидан иборат қатламланган кристалл структурага эга бўлади (расм б₆).


ПЦ 400-Д0 ва ПЦ 400-Д20 КТЧли тажрибадаги цементлар асосидаги бетонларни қиёсий синовлари шуни кўрсатдики, мустаҳкамлиги тегишлича 22,0 ва 22,7 МПа бўлган назорат цементи (№ 1) ҳам, тажрибадаги цемент (№ 2) ҳам В15 (М200) синфидаги бетон олишни таъминлайди. М400 маркали цементларни сарфи деярли тенг бўлган бетонлар бир хил фаолликка эга.

Бунда тажрибадаги цементдан бетон ишлаб чиқариш учун цемент сарфи 2 kg/m^3 (296 kg/1m^3)га камайди, назорат цементники эса 298 kg/1m^3 ни ташкил этди. Эҳтимолки, бунга гидратланиш кристалл маҳсулотларини синтез қилишда иштирок этган КТЧнинг таркибидаги фаол кремнезем ва глинозем мавжудлиги, уларни гидратланиш жараёнида кристалл маҳсулотларни синтезида қатнашиши ёрдам берган бўлиб, бу бетонни мустаҳкамлик йиғишини тезлаштирган.

Тўртинчи «**Меъёрий базани ишлаб чиқиш ва клинкерни КТЧ билан паст ҳароратда қисқа муддатли легирлашнинг самарадорлигини асослаш**» бобида тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун КТЧни фаоллаштиришнинг 3 хил кўринишдаги технологик схемаси таклиф этилди:

1-кўриниши муайян бир цемент заводи ҳудудида қуришиш барабанини ва унга ёрдамчи ускуналарни ўрнатиш орқали КТЧни фаоллаштириш линиясини назарда тутати;

2-кўриниши ҳам шу каби муайян бир цемент заводи ҳудудида КТЧни клинкернинг иссиқлигидан фойдаланиб, уни клинкер оқимини совутгичнинг «совуқ» бўлимига етказиб бериш орқали фаоллаштиришни назарда тутати. Бундай ҳолда, қуришиш барабанини ўрнатишнинг ҳожати бўлмайди (7-расм).



7-Расм. Колосникли совутгич (Волга СМЦ-33)

1 - айланма печдан клинкер чиқиши; 2 - совутгичнинг шахта бўлими; 3 - колосникли панжара; 4 - ҳаракатсиз колосник; 5 - ҳаракатдаги колосник; 6 - клинкер; 7 - колосникли панжарадаги клинкер; 8 – совутгичдан чиқаётган клинкер; 9 - кескин эсиш қувури; 10 - умумий эсиш қувури; 11 - иккиламчи ҳаво; 12 - ҳавони аспирацияси; 13 – камеранинг “иссиқ” зонаси; 14 – камеранинг “совуқ” зонаси; 15 – иссиқа чидамли занжирли ажратувчи парда; 16-17 - КТЧни қабул қиладиган дозаловчи хампа.

Ҳавода қуриган КТЧни хом ашё омборидан колосникли совутгичга ўрнатилган дозаловчи хампага узатилади, панжарали совутгичга ўрнатилган диспенсерли бункерга етказиб берилади, у ерда КТЧ клинкер оқими билан аралаштирилади, сувсизланади ва фаол КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер омборга жўнатилади.

КТЧни фаоллаштириш схемасининг 3-қўриниши 400°Cда фаоллаштирилган КТЧни кенг қўламда қайта ишлаш ва фойдаланиш миқёсини кенгайтириши мумкин, бунинг учун чиқиндиларни тўғридан-тўғри чиқиндихоналар яқинида фаоллаштириш линиясини ташкил қилиш таклиф этилди. Бу ҳолда, ишлаб чиқарувчи қўшимчани кенг доирадаги минерал қўшимчали цемент ишлаб чиқарувчиларга жўнатиши ёки уни автомобил темир йўли орқали ва ёки қадокланган ҳолда юклаши мумкин.

Сув ёрдамида ҳайдалган КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосида 1 тонна ПЦ400-Д20 маркали цемент ишлаб чиқариш учун хом ашёларни сарфий меъёри ҳисоблаб чиқилди ва бу қуйидагича бўлди (kg):

- клинкер – 765,23;
- (КТЧ) қўшимчаси – 205,10;
- гипс тоши – 51,27.

Хом ашёларнинг умумий истеъмоли 1 тонна цемент учун – 1021,6 kg/тн. «Бекободцемент» АЖда клинкерни сув ёрдамида ҳайдалган КТЧ билан паст ҳароратда легирлаш йўли билан «қўндирма-қўшимча» клинкер олиш ва ундан сўнг уни гипс тоши иштирокида туйиб ПЦ 400-Д20 маркали цемент

олинганда, унинг таннархи **77 264,34** сўм/тн арзонлашади, бу эса йилига 1 млн. тонна цемент ишлаб чиқаришда **77 млрд. 264 млн. 340** минг сўм иқтисодий самарадорликка эришишни тaminлайди.

ХУЛОСА

1. Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭСнинг чиқиндихоналарида тўпланган сув ёрдамида ҳайдалган култошқол чиқиндиларининг (СХКТЧ) хоссалари комплекс ўрганилган, уларнинг гидравлик фаоллигини ошириш мақсадида термофаоллаштириш зарурлиги ва цементга фаол минерал қўшимча сифатида фойдаланиш мумкунлиги асосланган.

2. Стюдент мезони бўйича КТЧни гидравлик фаоллигини оптимал юқори қийматини таъминлайдиган термик фаоллаштиришнинг оптимал ҳарорати аниқланган ва термик фаоллаштирилган КТЧни цемент учун фаол минерал қўшимчалар сифатида меъерий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқарилган.

3. Клинкерни паст ҳароратда легирлаш билан КТЧнинг гидравлик фаоллигини ошириш усули, уларни колосникли совутгичнинг 400°Сгача бўлган «совук» бўлимига узатиш орқали КТЧли «қўндирма-қўшимчали» клинкер ишлаб чиқариш технологияси амалиётга жорий этилган.

4. КТЧли «қўндирма-қўшимчали» клинкер асосидаги пастуглеродли портландцементни таркиби оптималлаштирган, уни олиш технологияси ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни технологик схемасининг 3 та варианты таклиф этилган.

5. Клинкер улуши 20% гача алмаштирилганда, кристаллогидратларни юзага келишини, уларни генетик шаклланишини ва композитнинг оптимал зич микротузилмасини мақсадли бошқариш орқали КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги цементни мустаҳкамлиги ПЦ 400-Д0 даражасиги эришиш имконияти илмий асосланган.

6. «Бекободцемент» АЖ ва «Оҳангаронцемент» АЖда фаол КТЧ «қўндирма-қўшимча»ли клинкер асосидаги ПЦ 400-Д20 маркали цементни оптимал таркибининг йирик тўпи ижобий натижалар билан назорат синовларидан ўтказилган.

7. Паст ҳароратда фаол КТЧли «қўндирма-қўшимча» билан легирланган клинкер асосидаги ПЦ 400-Д20 маркали цемент ишлаб чиқариш учун компонентларнинг сарфий меъерлари ҳисоблаб чиқилган ва унинг асосида 200 маркали бетон ишлаб чиқариш имконияти аниқланган.

8. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, цементнинг таннархини арзонлаштириш ва катта ҳажмда ИЭСнинг кул тошқол чиқиндиларини катта миқёсда утилизация қилиш мақсадида, клинкерни КТЧ «қўндирма-қўшимча» билан паст ҳароратда легирлаш усули ва унинг асосида портландцемент ишлаб чиқариш технологиясининг технологик ва иқтисодий самарадорлиги исботланган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.02/05.05.2023.К/Т.35.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

МАХСУДОВА НОЗИМАХОН ДЖАПАРХАНОВНА

**КРАТКОВРЕМЕННОЕ НИЗКОТЕМПЕРАТУРНОЕ ЛЕГИРОВАНИЕ
КЛИНКЕРА ЗОЛОТХОДАМИ ГИДРОУДАЛЕНИЯ ТЭС И
СВОЙСТВА ПОРТЛАНЦЕМЕНТА НА ЕГО ОСНОВЕ**

**02.00.13 - Технология неорганических веществ и материалы на их основе
02.00.15 - Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2024.3.PhD/Т4838 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен в веб-странице Научного совета по адресу www.iohx.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Искандарова Мастура**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Намазов Шафоат Саттарович**
доктор технических наук, проф., академик

Юнусова Фариди Рахмонбердиевна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Навоийский государственный горно-технологический университет**

Защита диссертации состоится «25» апреля 2025 г. в 14⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 при Институте общей и неорганической химии АН РУз по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; e-mail: iohx@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (Зарегистрированной номер № 67). (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60.

Автореферат диссертации разослан «10» апреля 2025 года
(реестр протокола № 67 от «10» апреля 2025 года).



Н.Х. Усанбаев
Председатель разового научного совета
по присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор

Ж.С. Шукуров
Ученый секретарь разового научного совета
по присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор

Ш.С. Намазов
Председатель разового научного семинара
при разовом научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н., проф., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии ((PhD))

Актуальность и востребованность диссертационной темы. В мире годовая производственная мощность цементной промышленности увеличивается из года в год, учитывая это одной из важных задач является расширение отечественной сырьевой базы за счет привлечения в производство цемента новых месторождений минеральных ресурсов и различных отходов техногенного происхождения. Также, для сокращения отрицательного влияния на экологию и эмиссии парниковых газов при производстве цементов получены новые цементные составы из низкоуглеродистых сырьевых смесей при обжиге клинкера. Освоение инновационных технологий при получении безклинкерных композиционных вяжущих за счет замены определенной части клинкера в цементе добавками и др., технологически и экономически совместимыми составами, не оказывающими отрицательного влияния на физико-химические свойства цемента при добавлении их в больших количествах и внедрение в цементную промышленность новых технологий имеет важное значение.

В мире проводятся научно-практические исследования по снижению количества клинкера в цементе используя техногенные отходы и одновременно разрабатываются ресурсосберегающие технологии. В связи с этим, особое значение имеет разработка «зеленой» технологии получения высококачественного цемента путем модификации портландцементного клинкера термоактивированными добавками и их производными в композиции с добавками природного и техногенного происхождения; изучение влияния температуры портландцементного клинкера на гидравлическую и пуццолановую активность золошлаковых отходов (ЗШО); особое внимание уделено определению влияния количества «добавки-присадки» ЗШО в клинкере и температуры активации на физико-механические свойства портландцемента на его основе.

В республике в цементной промышленности достигаются определенные научные и практические результаты по обогащению ресурсов вторичного сырья (техногенных промышленных отходов) в качестве активных минеральных добавок, их применению в цементах нового состава и изучению технологических свойств. В третьем направлении стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 гг. поставлены задачи по направлению «Увеличение объёма производства промышленной продукции в 1,4 раза путём продолжения промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики и увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте...»¹. В этом аспекте, разработка технологии кратковременного низкотемпературного легирования клинкера золоотходами гидроудаления тепловых электрических станций (ТЭС) и получения портландцемента на его основе имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениях Президента

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Узбекистан УП № 60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», ПП № 4198 от 20 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию и комплексному развитию промышленности строительных материалов», ПП № 4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики VII – «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. В области разработки модифицированных портландцементов с применением минеральных добавок, способных покрыть дефицит алюмо-кальциевых силикатных минералов клинкера, известны результаты исследований М.М.Сычева, В.В.Тимашева, Т.В.Кузнецовой, М.Я.Бикбау, М.И.Кузьменкова, А.К.Сатыбалдиева, С.В.Самченко, Е.В.Мануйлова, Е.Ю.Маловой, А.М.Маноха, S.Joseph, S.Bishnoi, K.Van Balen, X.Y.Wang, Y.Luan, В.В.Бабкова, А.И.Габитова, Р.Р.Сахибгареева, Е.Ю.Ермиловой, Р.З.Рахимова, А.К.Khalyushev, Р.С.Федюка, Е.М.Макарова, J.A.Larbi, J.M.Bijen, L.R.Roberts, W.R.Grace, Я.Г.Матвеевой, С.С.Каприелова, М.Е.Воронкова и других ученых.

В Узбекистане проводились научные исследования по использованию различных природных и техногенных активных минеральных добавок в цементной промышленности, результаты которых отражены в научных трудах И.С.Канцельского, М.Г.Гуломова, Т.А.Отакузиева, З.П.Пулатова, М.И.Искандеровой, Ф.Б.Атабаева, А.М.Искандерова, Х.Л.Усманова, Г.Б.Бегжановой, З.А.Мухамедбаевой и других ученых.

Однако, хотя и достигнуты определенные результаты в получении новых составов добавочных цементов, пригодных к применению без ущерба физико-механическим и строительно-техническим свойствам портландцемента, для положительного решения технологических проблем производства цемента и улучшения экологической ситуации в республике по применению соответствующих активных минеральных добавок, все еще отсутствует конкретная научно-практическая информация по проведению комплексных исследований по повышению гидравлической активности отвальных золошлаковых отходов гидроудаления Ново-Ангренской ТЭС.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами в организации, где выполняется диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с научно-исследовательскими планами Института общей и неорганической химии АН РУз в рамках государственной программы по теме «Разработка научно-прикладных основ и внедрение энерго- и ресурсосберегающих технологий получения современных строительных материалов и изделий с комплексным использованием местных

природных и вторичных сырьевых ресурсов» (2020-2022 гг.).

Целью исследования является изучение кратковременного низкотемпературного легирования клинкера золоотходами гидроудаления ТЭС и на этой основе разработка технологии получения портландцемента.

Задачи исследования:

определение химико-минералогического состава, физико-химических и технологических свойств золошлаковых отходов гидроудаления (ЗШОГУ);

исследование влияния температуры портландцементного клинкера на гидравлическую и пуццолановую активность ЗШОГУ;

